

Хар йили Потсдамга минглаб сайёхлар ташриф буюришади. Уларнинг максади экзотика, кадимий ёдгорликлар, касрларни томоша килиш, гўзал паркларни айланишдангина иборат эмас. Айни шу шахарда иккинчи жаҳон урушини якунлаб берган конференция ташкил этилган. 1913—1916 йиллар оралигига куриб битказилган инглиз услубидаги Ситсилиэнхоф калъасида ўша пайтдаги катта учлик давлатлари раҳбарлари Сталин, Трумен ва Черчилл(1945 йилнинг 28 июлидан бошлаб унинг ўрнига К.Эттли иштирок этган)учрашишган ва уруш тақдирини хал килишганди.

Шунинг учун хам туристлар Европанинг ушбу митти нуктасини кўп бор зиёрат килишни ўзларига катта ташвиш деб билмайдилар.

ГДР (Германия Демократик Республикаси — 1949 йил 7 октябрда ташкил топган) даврида халкаро меҳмонхона вазифасини ўтаб берган бефайз бино таъмирдан сўнг кўхна чиройини яна бир бор намоён этди. Германиялар бирлашгач эса таништирув-тушунтирувларнинг хам оҳанги(тони) ўзгарди. Энди гидлар Кизил Армиянинг кудратига эмас, балки совет империясининг репрессив характеристига катта ургу бера бошладилар. Умуман олганда, катталар учрашуви учун бу жойни танлаш тасодифан юз берган. Шартга кўра, улар Германия худудидаги ва Берлин атрофидаги бирор-бир пунктда йигилишлари керак эди. Сабаби пойтахт деярли ҳаробага айланганди. Шундан келиб чикиб, маршал Жуков(Совет Армиясининг бош кўмондони) хар томонлама кулай бўлган Потсдамни танлашни жоиз деб топди. Давлатлар делегатсиялари Ситсилиэнхоф калъасидан унча узок бўлмаган дарё киргогида омон колган бир нечта виллаларда кўним топиши.

Гарблик меҳмонлар орасида уруш даврида АҚШ ва Буюк Британия хукуматларини муваффакиятли бошкарган арбоблар йўқ эди хисоб. Франклин Рузвелтнинг 1945 йил апрелида вафот этиши муносабати билан америкаликларга собик витсе-президент Гарри Трумен (1945 йилнинг 12 апрелида президентликка сайланган) бош бўлиб келди. Ташки сиёсат борасидаги тажрибасизлиги ва тор дунёкараши унинг рейтингда пастрок ўрин эгаллашга мажбурлигини кўрсатиб кўйди. Эътиборли жаноб, таникли бош вазир Уинстон Черчилл Гарбий Европада Совет Иттифокининг таъсири кучайиб кетишидан хавфсираган бўлса-да, мухокама асносида Англияда бўлиб ўтган сайловлардан кейин хокимият хакида кайгуриш масъулияти унинг бўйнидан сокит килинганилиги маълум бўлди. Чунки лейбористлар етакчиси Клемент Эттли урушдан сўнг ўтказилган биринчи сайловда кўп овоз йигишга эришди. Хокимият тахтасидаги фарзин(Черчилл) янгиланди. Бу эса КПСС бош котиби Иосиф Сталинга нафакат мезбон сифатида, балки ракиблар кучсизланган дамдек олтин имкониятни тухфа этди. Дохийнинг келажакда ечимини кутаётган сиёсий муаммолар хусусидаги фикрлари кўпроқ кучга, тутган ўрни эса кудратлирок нуфузга эга бўла борди.

Манфаатлар тўкнашуви олдинги конференцияларда зарурият юзасидан четга суруб кўйилгани рост. «Урушда агар дўст бўлсанг, карор битта бўлиши керак» шиорига антигитлер коалицияси риоя килиши, ўзбекчасига тушунтирганда бир ёқадан бош чиқариши шарт эди.

Кўп ўтмай уруш деярли тугади. Техникаларнинг асаббузар овозлари оз муддатга бўлса-да тинди. Энди навбат — гоявий жангларга, бир-биридан ўтиш учун мусобакалашиб, тобора баландлаша бораётган сиёсий шовкин-суронларга етиб келганди.

Буюк Британия мустакиллиги ва колониал бошкарувини саклаб колиш хамда китъада ўз обрўсини тиклаб олиш харакатига тушди. Коммунизм даргалари худудларини немис боскинчиларидан батамом тозалаш, кутилаётган хужумларнинг олдини олиш ва Гарбий Европадаги таъсирини кучайтириш билан овора бўлса, АҚШ эркин савдони кайта йўлга кўйиш ва Европа билан муносабатларни баркарорлаштиришдан манфаатдор эди. БМТнинг ташкил этилиши бу борадаги биринчи кадам вазифасини бажариб берди. Унда эҳтимоли бор янги жаҳон уруши маълум муддатга «зараарсизлантирилганди». Техронда хам, Ялтада ва Лондонда хам иттифокчилар мухокамаларидан сўнг тинчлик тўғрисидаги битимга имзо чекилгани маълум. Шундан бўлса керак, 1945 йилдан сўнг раҳбарларни ўз юртларида тиклаш ишларини олиб боришдан кўра, натсист тарафдорларини жазолаш кўпроқ кизиқтирган. Айникса, Потсдамда бу хол кўзга яккол ташланди, у ерда адолатнинг карор топишига астойдил харакат килинди. Давр тарозуси паллалари факат бу билан мувозанатга келмасди, албатта. Хали олдинда чегараларни белгилаш ва бошка географик масалалар кўндаланг турарди.

Конференция давомида Кенигсберг шахри, Германиянинг гарбидан то поляклар мулки Лаузитса-на-Нейсигача бўлган худудларни СССР раҳбарлари ўзиники килиб олишди. Туб ерликлар ўз жойларини кўчиб келадиган ахоли учун бўшатиб беришлари зарур эди. Шунингдек, вайрон бўлган зоналарни кайта тиклаш учун Германия хукумати 10 млрд. рейхсмарк хисобида репаратсия(товон) тўлаши Потсдам хужжатларида кайд этилди.

Шунингдек, учта «д» сиёсати, яъни демилитаризатсия, декартелизатсия, денатсификатсия — фашизмни таг-туги билан йўқ килишга каратилган бўлиб, охир-окибат демократизатсия(тўртинчи «д»)га йўл очиши лозимлиги тўғрисидаги карорга Ситсилиэнхоф калъасига ташриф буюрган давлат вакиллари имзо чекишиди. Бу билан Германия халкаро муносабатлардан вактинча маҳрум килинди. Аслини олганда, коммунистлар хам, Гарб хам, расмий кабул килинган Потсдам меъёрларига хеч качон адолат нуткаи назаридан ёндашишмаган. Бу совук уруш даврида кўзга ёркин ташланди. Натижа Германиянинг икки хил маънодаги маглубиятини кўрсатиб кўйди. Биринчидан, голиблар маглублар устидан бемалол хукм чиқаришлари мумкин эди. Энди хеч кандай «рейх бўриси» уларга халакит бера олмасди. Иккинчидан, хужжатлардаги охирги бандлар хам нафакат натсист хукумати инкиrozидан дарак берарди, балки шарманда бўлган, товон тўлашдан чарчаган немис миллий хокимиятининг, ватанидан айрилган, кувгиндаги халк кўз ёшларини жонли ифодаларди. Унинг устига, мухокамаларда немислар ўзлари устидан чиқарилган хукмни жим ўтириб тинглашга маҳкум эдилар.

Потсдамда яна шунга келишилдики, Германия билан голиб давлатлар ўртасидаги алокаларда янги хужумлар хавфи борлиги туфайли катъий ва бешафкат методларга амал килинди.

Катта учлик вермахтни узил-кесил йўқ килишдан ташкари, ижтимоий ва маданий

«куролсизлантириш» ишларини хам жадаллик билан олиб борди. Бундан ташкари, декартелизатсия йўналиши оркали уруш пайтида молиялаштириш ишлари билан шугулланган барча картел(харбий-иктисодий ташкилот, монополистик бирлашма)лар ёпиб кўйилди, герман иктисиётини марказлаштиришдан холи этиш, монополияларни йўкотиш хакида сўз юритилди. Дастурда сиёсий маданият узок муддат мобайнида реабилитация (кайта тикланиш) жараёнига тайёрланиб бориши ва янгича киёфа касб этмоги кўзда тутилганди. Табиийки, энг кўп йўкотишга учраган ва мисли кўрилмаган талофатдан зарар кўрган хамда шу оркали галабани таъминлаган Совет Иттифоки Потсдам(Берлин) конференцияси баҳонасида Европанинг мутлак гегемон давлатига айланди. Бошкалар Франциянинг Шимолий Африкадаги мустамлакаларини, кейинчалик Италияни душман исканжасидан халос этаётган ва 1944 йилнинг ёзида франтсузларга енгил нафас олиш насиб килган бир пайтда, Кизил Армиянинг Европадаги таъсири нихоятда кучайиб кетди. Шунга яраша Москва томонидан бошкариладиган ер майдони хажми хам кенгайиб борди. Ўша пайтда жорий вазиятни Черчилл тинмай танкид килган бўлса-да, Рузвест келажак хамкорлигига путур етмасин дея СССР билан сан-манга боришини истамасди. Расмий келишувлар(хусусан, Потсдамда хам)нинг деярли хаммаси идеал карама-каршиликларни номигагина бекитиш учун хизмат килган, холос. Чин маънода фикрлайдиган бўлсак, уруш давридаги ва ундан кейинги хар бир муҳокама аслида кўкараётган «совук уруш кўчати»даги кўз очаётган куртакдан бошка нарса эмасди. Масалан, «демократизатсия» сўзи капиталистлар учун эркин овоз беришни англатган бўлса, Шарқда, таассуфки, якка хоким коммунистлар бунга йўл кўймасди. Ёки америкаликларнинг Германиядан катта микдорда товон талаб килмаганини олиб кўрайлик. Боиси келажакда немис халки улар учун бош огрик, бокиманда бўлиб колишидан чўчишган. Бирок социалистлар мамлакатда хукм сураётган кашшокликдан келиб чикиб, яксон бўлган душман худудидаги охирги мурватни хам ташиб кетишиди.

Шунга карамасдан, Сталиннинг учрашувдан кейинги яккол хукмонлиги узокка чўзилмади. Трумен кўлида янги яратилган, синаб кўрилган атом бомбаси «Халклар отаси»нинг кўп орзуварини чиппакка чиқарди. Совет разведка хизмати хаммасини синчковлик билан кузатиб борган бўлса хам бош котиб океан ортидагиларга муносиб жавоб беришни негадир жоиз деб топмади. Лекин хар икки томон хам умумнемис хукуматини назорат кенгаши асосида баҳоли кудрат бошкариб туришарди.

Гарбликлар чегара масаласида юмшок ва яширин сиёсат олиб боришиди. Собик Иттифок эса тузум хусусиятидан келиб чикиб, худудларни катъий белгилаб олди ва ГДР ташкил топганини эълон килди.

Умуман олганда, Берлин конференциясида имзоланган хужжатлар узок йиллар давомида тинчликни саклаб туриш учун хизмат килди. Аммо совук уруш даврида кунботар юрт вакиллари Потсдам келишувини кайтадан кўриб чиқишга уринишиди. Улар КПнинг бир катор мамлакатлар устидан юргизаётган назоратини кучизлантиромокчи эдилар. Бу ишни амалга оширишда 1989—90 йилларда рўй берган емирилиш ёрдам бериб юборди. Натижада Потсдамда кабул килинган бир катор хукукий меъёрлар ўз кучини йўкотган бўлса, бошкаларига ўзгартириш киритилди. Мисол учун, 2+4 шартномаси ва Берлин деворининг бузиб ташланиши (1989 йил охири), ГДР ва ГФРнинг 1990 йил 3 ноябрда ўзаро бирлашишига олиб келди. Сабаби федерал республиканинг

сиёсий маданияти күшнисиникига нисбатан анча илгарила б кетганди. Иктисолий ютуклар демократик республикада истикомат килувчи ахолини федералчиларга хавас килишга ундади. Хуллас, бирлашув Ситсилиэнхофда амалга татбик килинган барча санктсияларни бекор килди. Демак, 1945 йилнинг 17 июлидан 2 августигача Берлин якинидаги собик Гогентсоллернлар саройида ташкил этилган конференцияда «Герман милитаризми ва натсизми тикланиши ёки кайта ташкил этилишининг абадий олдини олиш учун» муҳим хукукий нормативлар кучга кирганди.

Сайджон Махсумов тайёрлади